
БЎШ ТУРГАН БИНОЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ НАТИЖАЛАРИ: БАҒДОДДА БЎШ ТУРГАН СОБИҚ КОНСЕРВА ЦЕХИ БИНОСИДА ТЕКСТИЛЬ КОРХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Бағдод тумани Нурафшон МФЙ ҳудудида “Asad-Tex” МЧЖ томонидан ташкил этилиб, фойдаланишга топширилган текстиль корхонаси фаолияти билан танишди.

Вилоятдаги бўш турган биноларнинг фаолиятини тиклаш орқали самарали ишлашни таъминлаш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали жойларда минглаб янги иш ўринлари яратишга эришилмоқда. Йиллик 600 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга “Asad-Tex” корхонаси ҳам бўш турган собиқ консерва цехи биносида 4,5 миллиард сўм қийматидаги лойиҳани амалга оширилиши натижасида ташкил этилиб, 140 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирда корхонанинг иккинчи босқичи – сочиқ ишлаб чиқариш линиясини барпо этиш бўйича инвестицион лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Корхонанинг 4,8 миллиард сўм ўз маблағлари ҳисобига келгуси йил охирига қадар йиллик 1500 тонна маҳсулот қувватига эга, Бельгия технологиялари билан жиҳозланган янги линия ишга туширилади. Натижада 150 та кўшимча иш ўрни яратилади. Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали йиллик 2,3 миллион долларлик хорижга экспорт йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-01 19:09:35